Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 178 (6. 967) 1989 йил 5 август, шанба Баҳоси 3 тийин

Хушхабарлар

Ғолиблар

СЕРГЕЛИДАГИ «Комфорт» ошхона жиҳозлари заводида жорий йилнинг еттинчи ойида ишчилар ўртасидаги социалистик мусобақада 1-цехнинг операторлари Г. Тожиддинов, В. Мартиновлар ғолиб чиқишди.

Ана шундай ишчиларнинг ғайратшижоати туфайли коллектив план ва мажбуриятини мунтазам ортиғи билан адо этаяпти. Заводда йил бошидан бери тайёрланган буюмлар 19 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу маҳсулотларнинг 443 минг сўмлиги планга қўшимча тайёрланди.

Шунингдек, яқинда заводда «Комертон» термасига кирган 9 та янги буюм сифатли ва бежирим қилиб тайёрлашга киришилди. Замонавий моделдаги бу мебель термаси харидорларга манзур бўлаяпти.

Фарзандлар қувончи

«ЧЕВАР» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг кенг истеъмол буюмлари цехида чиқинди маҳсулотларидан ашёлар тайёрлашга катта эътибор берилаяпти. Яқинда бу ерда Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг буюртмаси билан «Света» ва бошқа қўғирчоқлар учун кўйлакчалар ишлаб чиқаришга киришилди. Бундай маҳсулотлардан коллектив ойига 6 минг сўмлик тайёрлайди.

Кенг истеъмол буюмлари цехида қўғирчоқлар учун комплектлардан ташқари қизлар сарафани, болалар шортиги, стул учун кўрпача ва бошқа буюртмалар ҳам тайёрланяпти. Бу йил коллектив жами 500 минг сўмликка яқин кенг истеъмол буюмлари тайёрлайди.

КПСС Марказий Комитетининг қарори

1989 йил партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов ўтказиш тўғрисида

1. КПСС Уставига мувофиқ 1989 йилда партия аъзоси 15 кишидан кам бўлган партия группаларида, бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилсин. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг тавсияномаларини эътиборга олиб, худди шу муддатда район, шаҳар, округ, область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари бюроларининг ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларини тегишли комитетларнинг пленумларида, парткомлар ва партия бюроларининг ҳисоботларини эса бошланғич, цех партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама этиш ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Зарур бўлган ҳолларда шу мақсадда тегишли партия конференциялари ўтказилиши мумкин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари округ, шаҳар, район партия комитетларининг таклифларини кўриб чиқиб, жойлардаги конкрет вазиятдан келиб чиқиб, йиғилишлар, пленумлар, конференциялар ўтказиш муддатлари ва навбатини белгилашларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

2. Бўлажак ҳисобот ва сайлов мамлакатдаги ҳозирги сиёсий вазият муносабати билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Жамият аслида қайта қуришнинг қалтис даврини бошидан кечирмоқда. КПССнинг фаолияти ижтимоий-иқтисодий соҳада ва одамларнинг кайфиятида аҳвол кескинлашган шароитда ўтмоқда. Кўпгина партия комитетлари ва ташкилотлари жамиятда содир бўлаётган жараёнлардан орқада қолганлиги сабабли партия танқид ўти остида қолди. Қайта қуришда КПССнинг етакчилик роли заифлашувининг реал хавфи пайдо бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси КПСС билан унинг раҳбарлик органлари фаолиятида чуқур ўзгартишлар ниҳоятда зарур бўлиб қолди, деб ҳисоблайди. Партиянинг сиёсий системадаги вазифаси, ўрнини янгича идрок этибгина қолмай, шу билан бирга КПССга жамиятнинг сиёсий авангарди сифатида зарур бўлган фазилатни бағишлайдиган янгича иш усулларини қарор топтириш, партия, совет, хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, шу асосда иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини рўёбга чиқариш, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор ҳаракатлар билан мулоқотни чуқурлаштириш позицияларида туриб муҳокама қилиш муҳимдир.

Советларнинг тўла ҳокимиятини тиклаш ва қарор топтириш масалалари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бунда партия органлари халқ ҳокимияти органларида сиёсий қарорларни ишонтириш, тавсияномалар, демократик келишувлар воситаси билан, Советларда ва уларнинг ижроия органларида ишлаётган коммунистлар орқали амалга ошириш муаммолари фикрларнинг хилма-хиллиги асосида эркин муҳокама қилинишини таъминлаш зарур. Бунда партия ташкилотлари демократизм намунасини кўрсатишлари лозим.

Партияни янгилаш ҳар бир партия ташкилоти умумий вазифаларидан келиб чиқиб ва маҳаллий масалаларни ҳал этишда ўзининг мустақиллиги тўғрисидаги Устав қоидасига амал қилиб, меҳнат коллективининг, регионнинг аниқ-равшан шарт-шароитларига мос бўлиб тушадиган ўзининг қайта қуриш программасига эга бўлишини талаб қилади. Ушбу масалалар хусусидаги атрофлича мунозаралар коммунистларни принципиал социалистик асосда жипслаштиришга, онгли партиявий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, қабул этилган қарорларни бажаришда ҳаракат бирлигини таъминлаб туриши керак.

Айрим партия аъзолари ва партия ходимларининг пассив, ғоясиз позициясини, уларнинг партия обрўсини тўкиш, миллатчилик позицияларига ўтиш, турли хил антисоциалистик ҳаракатлар билан қўшилиб кетиш ҳолларини синчиклаб текшириб чиқиш, ғаламислик ва хомхаёлликка қатъиян зарба бериш лозим.

Қарорларни ишлаб чиқиш чоғида жамоатчилик фикри, аҳолининг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари иложи борича кўпроқ эътиборга олинсин.

4. Партия ишини қайта қуришни раҳбарликнинг сиёсий усулларини қарор топтириш, партия, совет, хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, шу асосда иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини рўёбга чиқариш, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор ҳаракатлар билан мулоқотни чуқурлаштириш позицияларида туриб муҳокама қилиш муҳимдир.

Советларнинг тўла ҳокимиятини тиклаш ва қарор топтириш масалалари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бунда партия органлари халқ ҳокимияти органларида сиёсий қарорларни ишонтириш, тавсияномалар, демократик келишувлар воситаси билан, Советларда ва уларнинг ижроия органларида ишлаётган коммунистлар орқали амалга ошириш муаммолари фикрларнинг хилма-хиллиги асосида эркин муҳокама қилинишини таъминлаш зарур. Бунда партия ташкилотлари демократизм намунасини кўрсатишлари лозим.

Партияни янгилаш ҳар бир партия ташкилоти умумий вазифаларидан келиб чиқиб ва маҳаллий масалаларни ҳал этишда ўзининг мустақиллиги тўғрисидаги Устав қоидасига амал қилиб, меҳнат коллективининг, регионнинг аниқ-равшан шарт-шароитларига мос бўлиб тушадиган ўзининг қайта қуриш программасига эга бўлишини талаб қилади. Ушбу масалалар хусусидаги атрофлича мунозаралар коммунистларни принципиал социалистик асосда жипслаштиришга, онгли партиявий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, қабул этилган қарорларни бажаришда ҳаракат бирлигини таъминлаб туриши керак.

Айрим партия аъзолари ва партия ходимларининг пассив, ғоясиз позициясини, уларнинг партия обрўсини тўкиш, миллатчилик позицияларига ўтиш, турли хил антисоциалистик ҳаракатлар билан қўшилиб кетиш ҳолларини синчиклаб текшириб чиқиш, ғаламислик ва хомхаёлликка қатъиян зарба бериш лозим.

Қарорларни ишлаб чиқиш чоғида жамоатчилик фикри, аҳолининг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари иложи борича кўпроқ эътиборга олинсин.

4. Партия ишини қайта қуришни раҳбарликнинг сиёсий усулларини қарор топтириш, партия, совет, хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, шу асосда иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини рўёбга чиқариш, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор ҳаракатлар билан мулоқотни чуқурлаштириш позицияларида туриб муҳокама қилиш муҳимдир.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг партия ички турмушини демократиялаш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш муаммолари фикрларнинг хилма-хиллиги асосида эркин муҳокама қилинишини таъминлаш зарур. Бунда партия ташкилотлари демократизм намунасини кўрсатишлари лозим.

Партияни янгилаш ҳар бир партия ташкилоти умумий вазифаларидан келиб чиқиб ва маҳаллий масалаларни ҳал этишда ўзининг мустақиллиги тўғрисидаги Устав қоидасига амал қилиб, меҳнат коллективининг, регионнинг аниқ-равшан шарт-шароитларига мос бўлиб тушадиган ўзининг қайта қуриш программасига эга бўлишини талаб қилади. Ушбу масалалар хусусидаги атрофлича мунозаралар коммунистларни принципиал социалистик асосда жипслаштиришга, онгли партиявий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, қабул этилган қарорларни бажаришда ҳаракат бирлигини таъминлаб туриши керак.

Айрим партия аъзолари ва партия ходимларининг пассив, ғоясиз позициясини, уларнинг партия обрўсини тўкиш, миллатчилик позицияларига ўтиш, турли хил антисоциалистик ҳаракатлар билан қўшилиб кетиш ҳолларини синчиклаб текшириб чиқиш, ғаламислик ва хомхаёлликка қатъиян зарба бериш лозим.

Қарорларни ишлаб чиқиш чоғида жамоатчилик фикри, аҳолининг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари иложи борича кўпроқ эътиборга олинсин.

4. Партия ишини қайта қуришни раҳбарликнинг сиёсий усулларини қарор топтириш, партия, совет, хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, шу асосда иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини рўёбга чиқариш, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор ҳаракатлар билан мулоқотни чуқурлаштириш позицияларида туриб муҳокама қилиш муҳимдир.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг партия ички турмушини демократиялаш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш муаммолари фикрларнинг хилма-хиллиги асосида эркин муҳокама қилинишини таъминлаш зарур. Бунда партия ташкилотлари демократизм намунасини кўрсатишлари лозим.

Партияни янгилаш ҳар бир партия ташкилоти умумий вазифаларидан келиб чиқиб ва маҳаллий масалаларни ҳал этишда ўзининг мустақиллиги тўғрисидаги Устав қоидасига амал қилиб, меҳнат коллективининг, регионнинг аниқ-равшан шарт-шароитларига мос бўлиб тушадиган ўзининг қайта қуриш программасига эга бўлишини талаб қилади. Ушбу масалалар хусусидаги атрофлича мунозаралар коммунистларни принципиал социалистик асосда жипслаштиришга, онгли партиявий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, қабул этилган қарорларни бажаришда ҳаракат бирлигини таъминлаб туриши керак.

Айрим партия аъзолари ва партия ходимларининг пассив, ғоясиз позициясини, уларнинг партия обрўсини тўкиш, миллатчилик позицияларига ўтиш, турли хил антисоциалистик ҳаракатлар билан қўшилиб кетиш ҳолларини синчиклаб текшириб чиқиш, ғаламислик ва хомхаёлликка қатъиян зарба бериш лозим.

Қарорларни ишлаб чиқиш чоғида жамоатчилик фикри, аҳолининг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари иложи борича кўпроқ эътиборга олинсин.

4. Партия ишини қайта қуришни раҳбарликнинг сиёсий усулларини қарор топтириш, партия, совет, хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, шу асосда иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини рўёбга чиқариш, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор ҳаракатлар билан мулоқотни чуқурлаштириш позицияларида туриб муҳокама қилиш муҳимдир.

Советларнинг тўла ҳокимиятини тиклаш ва қарор топтириш масалалари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бунда партия органлари халқ ҳокимияти органларида сиёсий қарорларни ишонтириш, тавсияномалар, демократик келишувлар воситаси билан, Советларда ва уларнинг ижроия органларида ишлаётган коммунистлар орқали амалга ошириш муаммолари фикрларнинг хилма-хиллиги асосида эркин муҳокама этиш ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Зарур бўлган ҳолларда шу мақсадда тегишли партия конференциялари ўтказилиши мумкин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари округ, шаҳар, район партия комитетларининг таклифларини кўриб чиқиб, жойлардаги конкрет вазиятдан келиб чиқиб, йиғилишлар, пленумлар, конференциялар ўтказиш муддатлари ва навбатини белгилашларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

2. Бўлажак ҳисобот ва сайлов мамлакатдаги ҳозирги сиёсий вазият муносабати билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Жамият аслида қайта қуришнинг қалтис даврини бошидан кечирмоқда. КПССнинг фаолияти ижтимоий-иқтисодий соҳада ва одамларнинг кайфиятида аҳвол кескинлашган шароитда ўтмоқда. Кўпгина партия комитетлари ва ташкилотлари жамиятда содир бўлаётган жараёнлардан орқада қолганлиги сабабли партия танқид ўти остида қолди. Қайта қуришда КПССнинг етакчилик роли заифлашувининг реал хавфи пайдо бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси КПСС билан унинг раҳбарлик органлари фаолиятида чуқур ўзгартишлар ниҳоятда зарур бўлиб қолди, деб ҳисоблайди. Партиянинг сиёсий системадаги вазифаси, ўрнини янгича идрок этибгина қолмай, шу билан бирга КПССга жамиятнинг сиёсий авангарди сифатида зарур бўлган фазилатни бағишлайдиган янгича иш усулларини қарор топтириш, партия, совет, хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, шу асосда иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини рўёбга чиқариш, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор ҳаракатлар билан мулоқотни чуқурлаштириш позицияларида туриб муҳокама қилиш муҳимдир.

Советларнинг тўла ҳокимиятини тиклаш ва қарор топтириш масалалари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бунда партия органлари халқ ҳокимияти органларида сиёсий қарорларни ишонтириш, тавсияномалар, демократик келишувлар воситаси билан, Советларда ва уларнинг ижроия органларида ишлаётган коммунистлар орқали амалга ошириш муаммолари фикрларнинг хилма-хиллиги асосида эркин муҳокама этиш ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Зарур бўлган ҳолларда шу мақсадда тегишли партия конференциялари ўтказилиши мумкин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари округ, шаҳар, район партия комитетларининг таклифларини кўриб чиқиб, жойлардаги конкрет вазиятдан келиб чиқиб, йиғилишлар, пленумлар, конференциялар ўтказиш муддатлари ва навбатини белгилашларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

2. Бўлажак ҳисобот ва сайлов мамлакатдаги ҳозирги сиёсий вазият муносабати билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Жамият аслида қайта қуришнинг қалтис даврини бошидан кечирмоқда. КПССнинг фаолияти ижтимоий-иқтисодий соҳада ва одамларнинг кайфиятида аҳвол кескинлашган шароитда ўтмоқда. Кўпгина партия комитетлари ва ташкилотлари жамиятда содир бўлаётган жараёнлардан орқада қолганлиги сабабли партия танқид ўти остида қолди. Қайта қуришда КПССнинг етакчилик роли заифлашувининг реал хавфи пайдо бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси КПСС билан унинг раҳбарлик органлари фаолиятида чуқур ўзгартишлар ниҳоятда зарур бўлиб қолди, деб ҳисоблайди. Партиянинг сиёсий системадаги вазифаси, ўрнини янгича идрок этибгина қолмай, шу билан бирга КПССга жамиятнинг сиёсий авангарди сифатида зарур бўлган фазилатни бағишлайдиган янгича иш усулларини қарор топтириш, партия, совет, хўжалик органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, шу асосда иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини рўёбга чиқариш, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор ҳаракатлар билан мулоқотни чуқурлаштириш позицияларида туриб муҳокама қилиш муҳимдир.

Советларнинг тўла ҳокимиятини тиклаш ва қарор топтириш масалалари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бунда партия органлари халқ ҳокимияти органларида сиёсий қарорларни ишонтириш, тавсияномалар, демократик келишувлар воситаси билан, Советларда ва уларнинг ижроия органларида ишлаётган коммунистлар орқали амалга ошириш муаммолари фикрларнинг хилма-хиллиги асосида эркин муҳокама этилаётган ва партия ташкилотларини ҳаққоний танқид қилиш учун асос бўлиб хизмат қилаётган муаммоларни амалда ҳал қилишга қаратилсин. Партия йиғилишларида партиясизларнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

3. Ҳисобот ва сайлов кенг жамоат ошкоралиги, ўртоқларча мунозара вазиятида, жуда пухта ўтказилсин, қайта қуриш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги ишлар партиявий принципиаллик билан таҳлил этилсин. Йиғилишлар, пленумлар ва конференцияларда фаол, рўйрост ва сира чўчимасдан фикрлашиб олишни, ҳозирги босқичда партия иши муаммолари, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг партия ички турмушини демократиялаш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш муаммолари фикрларнинг хилма-хиллиги асосида эркин муҳокама қилинишини таъминлаш лозим.

Йиғилишлар ва пленумларда коммунистларнинг ишига, яъни аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ ишларига принципиал баҳо бериш, уй-жойлар қурилишини жадаллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнаткашларга савдо, маиший ва медицина хизматини йўлга қўйиш масалаларини ҳал этиш учун аниқ-равшан жавобгарликни белгилаб қўйиш керак. Пленумлар, йиғилишлар, конференциялар партия ташкилотларини, жамоатчиликни республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районларда, меҳнат коллективларида ўз резервларини қидириб топишга йўналтириши лозим.

5. Йиғилишларда, пленумларда, конференцияларда сайлаб қўйиладиган органларнинг состави зарур даражада янгилансин ҳамда кадрларга доир етилган масалалар ҳал этилиб, раҳбариятга сергайрат, ижодий фикрловчи, ташаббускор кишилар кўтарилсин. Меҳнаткашлар ўртасида обрў-эътибор ва нуфузга сазовор бўлган ҳамда жамоат ташаббусини ўз қўлига олиб, уни амалий ўзанга буриб юбора оладиган коммунистларни партиявий ишга кенг ва дадил жалб этиш керак.

6. Йиғилишлар, пленумлар ва конференцияларнинг ишида КПСС Марказий Комитетининг, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларининг ҳамда тегишли ревизия ва контроль-ревизия комиссияларининг аъзолари ва аъзоликка номзодлари, СССР халқ депутатлари бўлган коммунистлар фаол иштирок этишлари зарур, деб ҳисоблансин.

7. Партия йиғилишлари, пленумлари, конференциялари КПССнинг XXVIII съезга оширишлари шарт. Коммунистларни иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлажак сайловда ғоят фаол иштирок этишга йўналтириш, сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичини амалга оширишга нисбатан барча партия ташкилотлари, уларнинг раҳбар органлари масъулиятли муносабатда бўл

Жамият ва қонун

Суд ҳукмига асосланиб ёзилган ушбу ҳаётий лавҳаларга шундай сарлавҳа қўйишимиз бежиз эмас. Суд медицина экспертизаси, ашёвий далил ва ҳаётий фактларнинг кўрсатишича, жиноятларнинг кўпчилиги мана шу лоқайдлик туфайли содир бўлмоқда. Бир донишманд лоқайдликка шундай тариф берган экан: «Душманлардан кўрқма — нарк борса, улар сени ўлдиришн мумкин. Дўстлардан кўрқма — нарк борса улар сенга мунофиқлик қилиши мумкин. Лекин лоқайд одамлардан кўрқ — улар ўлдирмайдилар ва мунофиқлик қилмайдилар, аммо улар жиноятга бепарво қараб туравередилар. Мана шу лоқайдлик туфайли ер юзида ўғирлик ва қотиллик ҳукм суради».

«ҚУЁН ЮРАКЛАР»

МИЛИЦИЯ пунктига кийимлари қонга беланган бир киши зўр-базўр кириб келди. Жароҳатининг оғирлигидан у биргина «Лисунов» деган сўзни айтдию, гурс этиб полга йиқилди. Зудлик билан етиб келган «тез ёрдам» машинаси жабрланувчини «ўз бағрига» олганча тун қаърини ёриб касалхона томон ошиқди.

Оператив группа эса Лисунов кўчаси томон жўнади...

«ЎЗИНГНИ БИЛ, ЎЗГАНИ ҚЎЙ»

ЮНУСОБОДЛИК Ҳусанжон янги «Жигули» миниб келган кун хонадонда тўй бўлиб кетди. Кўни-қўшнилар йиғилишди. Оилани янги машина билан табриклашди.

Меҳмонлар тарқаган, Ҳакимахон йўлакда ярқираб турган машинага завқ билан тикиларкан, эрига сўз қотди:

— Дадаси, энди машинани қаерга қўямиз.

— Шунга ҳайронманда хотин, шахсий гараж қуриш мумкин эмас, пуллик гараж эса биздан икки квартал узоқда бўлса.

— Мана шу йўлакда тургани маъқул. Галма-гал кўриқлаб чиқсак ҳам майли. Ҳар қалай машинамиз олдимизда, кўнглимиз тўқ бўладику!

Шунга келишилди. Эр-хотин навбатма-навбат ухламай қўриқчилик қилишадиган бўлишди. Орадан икки йил ўтгач, кечки ётар чоғида Ҳакимахон эрига тўнғиллади.

— Машинаям ўлсин, кечаси билан постда туриб кундузи ишхонада мудраганим-мудраган.

— Мени айтмайсанми...

Шу куни эр-хотин навбат талашиб донг қотиб ухлаб қолишди.

Лоқайдлик — ички душман

Кўча бўйлаб икки йигит келарди. Уларнинг кайфлари тарақ. Бир-бирини қўлтиқлашиб олишгани учун иккови бараварига чайқалишади. Йигитлардан бирининг қўлидаги пичоқ чироқ нурида ялтираб кетди. Машина шубҳали кишилар қаршисида тўхтади.

Йигитлар сергак тортишди. Пичоқни кўча четидаги ариқ сувига улоқтиришди. Ҳамза район ички ишлар бўлимида ҳам йигитлар ўзларини «мардона» тутишди. «Биз дўстимизникидан келяпмиз. Бошқа ҳеч нарса билмаймиз», деб туриб олишди. Худди шу вақт навбатчи хонасига эр-хотин Неустроевлар кириб келишди. Аёл ҳаяжонини яширолмас, ҳамон унинг қўллари титрар, лаблари асабий пирпирарди.

— Биласизми, — деди у, — Лисунов кўчасидан уй томон шошилиб борардим. Тўсатдан олдимдан икки йигит чиқди. Улардан бири қўлидаги пичоғини биқинимга тиради. Қўрқувдан қотиб қолдим. Кейин улар курткамни ечиб олмоқчи бўлганларида ёрдам сўраб дод-лаб бақирдим. Газандалар бошимдаги шапкамни юлқиб олишди-ю, қочишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Балки жиноятчилар ҳали қочиб улгурмагандир. Улар яна бирон бир кишига зиён-заҳмат етказмасин, дейманда!

Аёлнинг кўзи бирдан стулда мўмин-қобил бўлиб ўтирган йигитларга тушди-ю, ранги бўздек оқарди. Бирдан ўзини эрининг орқасига олди.

— Мана шулар...

Жиноятчилар ҳар қанча уринишмасин бир-бир сир фош бўлди. Шундай қилиб, 1969 йилда туғилган Руслан Дадашев ва 1970 йилда туғилган Алишер Султоновлар суднинг қора курсисига ўтиришди.

Жабрланувчи Л. Неустроеванинг судда айтган қуйидаги сўзлари бизни ўйлантириб қўйди.

— Вой, тавба, ёнгинамиздаги бекат тўла одам. Қанча бақириб чақирганим билан жиноятчилар кўздан яшириниб улгурмагунча ҳеч ким яқинимга йўламади. Кейин ёши ўтган бир-икки хотинлар олдимга келишди. Кишилар, йигитлар эса мутлақо бепарво, кўриб туриб кўрмаганга олишади.

Жабрдийданинг юракдан айтган сўзларини тинглай туриб бенхтиёр бир воқеани эслаб қолдик.

Бундан 3—4 йил муқаддам «Юнусобод» универсамининг ёнгинасида балиқ маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазин ва кафе очилганда ерлик аҳолининг боши кўкка етган эди. Чиндан ҳам тирик балиқдек хушхўр маҳсулотларни шундоққина қўл узатса етгудек жойдан сотиб олиш имкони туғилса қувонмай бўладими? Афсуски, бу қувонч узоққа бормади. Кўп ўтмай, магазин ва кафе пиво-барга айлантирилди-ю унинг атрофини ичкиликбозлар ўради-қўйди.

Яқинда куппа-кундуз куни бар олдида содир бўлган воқеа унинг ичкиликчилари эсидан сира чиқмаса керак.

Бар эшиги тагида уч-тўрт ўспирин ўралашиб юрарди. Улардан бири шу атрофдан ўтиб бораётган болани аёлга сўз қотди. Орқада сумка кўтариб келаётган эр ғижиниб қўйди-ю, индамади. Куракда турмайдиган сўзлар қайта-қайта такрорланавергач, йигит тўхтаб ёшларни тартибга чақирди. Худди шуни кутиб тургандек безорилар, унга ташланишди. Бегуноҳ кишини чор тарафдан тепкилаб кетишди. Бечора хотин «ёрдам» деб бақирар, бироқ йиғилганлар унинг додига мутлақо қулоқ солишмасди. Воқеани гўё томошабин сингари кузатиб туришарди.

Кўпдан бери шу ерда изғиб юрган милиция капитани эса пана жойга ўтиб олиб бардан кўпроқ пиво олиб чиққанларни сўраб-суриштириш билан овора. «Ёлғиз отнинг донғи чиқмас» деганларидек аёлнинг эри ҳар қанча чапдастлик қилмасин тўрт кишига бас келолмай ҳолдан тойиб йиқилди. Шер бўлиб кетган ҳамтовоқлар уни тепкилай-тепкилай жуфтакни ростлаб қолишди. Тўпланганлар энди тилга кирганди.

— Золимлар.

— Бировни ўлдириб қўйишдан ҳам тоймайди бўлар.

— Қани энди ушлаб олиб, бир адабини бериб қўйсанг.

— Шу ҳам гап бўлдию укалар, — дея бир аёл улардан ўпкалади. — Кўра била туриб қўл қовуштириб ўтирдиларингу энди ботирлик қиласизлар-а, «қуён юраклар».

Аёлнинг бу гапидан мулзам бўлган милиционер ҳам, атрофни ўраб турган ёш-яланглар ҳам чекка-чеккага писиб қолишди.

Ҳакимахон эрта тонгда чўчиб уйғонди. Сакраб ўрнидан турди. Деразадан йўлакка кўзи тушдию, юраги шув этиб кетди. Бенхтиёр эрига қаради. У бепарво хуррак тортарди.

— Ҳой, туринг, деяпман! Машина йўқ!!.

Ҳусанжон ток ургандек сапчиб ўрнидан турди. Йўлакка бир қараб олиб хотинига ўшқирди.

— Ким олиб кетди?

— Вой, мен қаёқдан билай ким олиб кетганини. Югуринг, Милицияга хабар қилинг. Тўс-тўполон, беҳаловат кунлар бошланди. Сўра, суриштир, қидир.

Шундай кунларнинг бирида Ҳакимахонлар яшайдиган квартиранинг юқори қаватида турувчи қўшниси гап топиб тушди.

—Вой, ўлсинай, қаранг, ўша тунда машинангизни учта йигит аста-секин пастга итариб олиб кетаётганини тўртинчи қаватдаги Салима хола деразадан кўриб турган экан. Фавқулоддa унга ўғрилардан бирининг кўзи тушибди-ю, қўли билан «Агар ғиринг десанг, калланг кетади» деган ишора қилибди. Қўрқиб кетгандан индамабди Салима хола тушмагур.

Терговда Салима хола барча кўрган-билганларини оқизмай-томизмай айтиб берди.

— Хўп, ўзингиз қўрқсангиз, иккита ўғлингиз бор экан, уларга нега айтмадингиз?

— Бировнинг машинаси деб балога қолишни истамадим. Оиламизга бирор зиён-заҳмат етишини истамадим. Ҳамма гап шунда ўғлим...

«ҲАШАРЧИЛАР»

ҚОҚ ПЕШИН пайтида Юнусоблоддаги 9 қаватли уйлардан бирининг йўлаги олдига юк машинаси келиб тўхтади. Машинадан чаққон тушган тўрли ёшлардаги уч киши йўлак олдида суҳбатлашиб турган хотинлар билан саломлашиб, зиналардан юқори кўтарилишди. Учинчи қаватда тўхтаб бир зум пастга қулоқ тутишди-да, ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигини сезгач, чап қанотдаги эшикни очиб ичкари киришди. Сўнг хонадондаги қимматбаҳо буюмларни шоша-пиша пастга туширишди машинага орта бошлашди.

Уларнинг ҳаракатидан ҳайрон бўлган хотинлар елка сиқиб номаълум кишиларга сўз қотишди.

— Нима гап ўзи, тинчликми?

— Тинчлик, опажонлар, тинчлик. Собиржон акамизга Чилонзордан қулинг ўғрилсин янги беш хонали квартира беришди. Шунга у кишини кўчираяпмиз.

— Вой, шунақа демайсизларми, биз бўлсак, милицияга хабар қилишимизга сал қолибди.

Кўнгли жойига тушган қўшнилар бирдан Собиржоннинг хотинини гапириб кетишди.

— Вой, писмиқ ўлгур-ей, янги уй олибди ҳамки, бир оғиз индамайди-я!

— Ичидан пишганда!

— Шунинг учун бизга қони қўшилмай юрган эканда!

Шу орада юк ташиб терлаб-пишган йигитлар хайр-хўшлаб машинани юргизишди. Кимдир уйга югургилаб кириб чойнак кўтариб чиқдида уларга совуқ чой тутди.

— Қорнийлар ҳам очиб кетди. Шунақа экан хотини ўлгур келиб бир косагина овқат қилиб турмайдими?!.

— Энди хизматчилик-да опа.

Машина кўздан ғойиб бўлгунча индамай турган қўшнилардан бири:

— Вой, ўлмасам, наҳот кўчадиган одам бегона кишиларни уйга жўнатса, — деб қолди.

— Ҳа-я, — дея унинг фикрини қувватлашди бошқалари.

Ҳамма бирдан учинчи қаватга югургилади. Хоналар ағдар-тўнтарлигини кўриб тил тишлаб қолишди.

— Вой ўғри... Ўғрилар экан яшшамагурлар. Тезроқ милицияга хабар қилинглар.

Лекин вақт ўтган эди.

Шу ўринда «сал эътиборлироқ бўлсак юқоридаги жиноятлар содир бўлмаслиги мумкин эди-ку», деган савол туғилиши табиий. Чунки, бу воқеа-ҳодисаларнинг бош сабабчиси ўзимиз. Кўпинча «сен менга тегма, мен сенга тегмайман», қабилида иш тутамиз. Шу билан ўзимиз жиноятга кенг йўл очиб берганимизни билмай қоламиз. Жиноятчилар эса шу нуқсонимиздан фойдаланишади. Кўз ўнгимизда хоҳлаган номақбулчиликларни қилаверишади. Афсуски, бугун қўшнимизнинг машинасини ўғирлаган, соддадил аёл ҳамёнини уриб кетган, беозор кишиларга жароҳат етказган аблаҳ ва безори эртага ўзимизга ҳам озор етказиши муқаррар эканлигини ҳозирча ҳаёлимизга келтирмаймиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Шанба оқшомида

Миллий анъаналаримиз

ХАЛҚИМИЗНИНГ чиройли анъаналаридан энг фазилатли ва файзлиларидан бири «Келин салом»дир. Келин бўлмиш томон янги оила қурилаётган хонадонга биринчи қадамни улуғ сўз —«Салом» билан бошлайди. Шунинг учун ҳам «Келин салом» маросими тантанавор, ёр-ёрлар билан, байт-термалар ҳамда айтишувлар билан мазмунли ўтказилади. Айниқса, тўйнинг иккинчи куни «Келин салом» тантаналари бўлиб ўтиб, унда маҳалла-қўй, яқин қариндошлар иштирок этишади. Ҳовлида ҳамма жамулжам, келин ҳарир келинлик либосида бошловчилар иштирокида уйдан чиқади. Бошловчи ва маҳалланинг чечанўланчи жувонлари атрофдагиларга мурожаат қилиб:

Келин муборак бўлсин,
Уйингиз нурга тўлсин.
Чақалоқнинг йиғиси,
Атроф, ҳар ённи кўмсин, дейди.

«Келин салом»ни оиланинг каттаси — қайнотасига бағишлаб салом билан давом эттиради:

Оёғни маҳкам тираган,
Мўйловини бураган,
Савлатлари дуркундай,
Юришлари бургутдай,
Қайнотасига салом.

Айтишув тамом бўлиши билан келин таъзим билан қайнотасига салом бажо этади. Шундан кейин ўланчи жувон қайнонасига мурожаат қилиб дейди:

Оппоққина билаги,
Эгалик бўлди элаги.
Сўзларидан бол томган,
Хурсандликдан лол қолган
Қайнонасига салом.

Кейин келиннинг бошқа янги қариндошлари тилга олиниб «салом» давом этади. Куёвнинг акасига:

Саман отин боғлаган,
Юлдузларни кўзлаган.
Ғирчиллайди этиги,
Ҳаммасидан тетиги,
Қайноғасига салом.

Куёвнинг синглисига:

Сочларин майин тараган,
Зулфларини бураган.
Мен ҳам келин бўлай деб,
Атрофга сирли қараган
Қайнсинглисига салом.

Шуниси қизиқки, ана шу бағишлов, ўша бағишланган кишининг руҳига характерига, ҳаттоки қадди-қоматининг тузилишига мос тушади. Мабодо бағишланадиган кишининг салбий ҳолатлари бўлса, ҳеч тап тортмай ҳазил-мутойиба асосида ҳажв-ҳазил қилинади. Азалдан кулгисевар халқимиз худди шу келин «салом»ларида ҳам ушбу усулдан фойдаланганлар. Мана, эшитинг, навбатдаги «Келин салом» куёвнинг аммасига:

Сиркаси сув кўтармас,
Бирор ишни битирмас.
Пешонаси тиришган,
Ҳамма билан уришган
Аммаларига салом.

«Келин салом» тантаналари куёвга бағишлов билан ниҳоясига етади:

Белида шоҳи белбоғ,
Муборак сизга «гулбоғ».
Келин ишқида ёнган,
Висолга етиб қонган,
Куёв болага салом.

Келин салом

Ҳа, азизлар, келиннинг янги хонадондаги биринчи қадами ана шундай завқ-шавққа тўлиб бошланади. Ана шу қадами қутлуғ бўлишини келиннинг ўзи ҳам жуда истайди, у зўр ҳаяжон, қалби эзгу орзу-умидларга тўлиб тошади. Эй, пок ниятли, нурли келажак иштиёқманди бўлган азиз инсон, сенинг ниятларинг ҳарир либосларинг каби жозибали, эҳтиросларинг қалбинг каби ҳароратли, истакларинг шарофатли, ҳаваслларинг беғубор, мусаффо деб юборади одам!

Эндиги бизнинг вазифамиз, эзгу ниятлар билан қадам қўйган навниҳолни авайлаб-асраб тарбиялашимиз, янги шароитга кўникма ҳосил қилиб катта ҳаётга етаклашимиз керак. Биз фарзандларимизнинг инжиқликларини кўтарамиз, қайсарликларини эркаликка жўямиз. Ҳарҳаша-ю тантиқликларига, ўжарлиги-ю шўхликларини ҳам гўё шундай бўлиши керакдай қабул қиламиз. Аммо, нима учун ана шу фарзандларимиз туфайли чинакам фарзандимизга айланган, покиза ниятли, нурли қадамларни ранжитамиз, жеркиб, қилдан қийиқ ахтарамиз.

Мен яқинда маҳалламизнинг пиру бадавлат нуроний онахонларидан Гулсун аянинг набира келин олганлиги билан табриклаб, аямизнинг суҳбатларини олдим. Мен у кишидан: «Ая, набира келин қандай бўлар экан?» — деб сўрадим. Набира келин қизларининг келини эди-да, аяжонимиз хурсанд бўлиб: «Данагидан мағизи ширин деганларидек, буларнинг ҳам ўрни жуда бошқача бўлар экан», дедилар. Ўғилларимдан набира келинларим жуда кўпу, аммо бу ёлғиз қизимнинг бош келини бўлганлиги сабаблими, ўзимни сал бошқачароқ сезиб, қизимга «у-бу» деб маслаҳат бергa озор бермагин. «Дил озордан — ҳамма безор» деган нақл бор».

Ҳа, аяжон, бу ўринда сиз минг бор ҳақсиз. Тўғри эмасми, азиз оқшомхон, юқоридаги ҳаёт сабоқлари ҳар қандай қайнонага ҳам турмуш сабоқларида катта ёрдам бериши муқаррар.

Мана, Холжон хола ҳам икки келин туширди. Катта ўғлининг хизмати бошқа шаҳарда бўлганлиги сабабли, тўйдан сўнг, «чилласи чиқмасиданоқ» ўша шаҳардаги хизматига янги келин билан жўнаб кетиб, бошланадиган мишмишлардан қутилди. Аммо иккинчи келин тушганда, қайнонанинг ўта инжиқлиги кўринди-қўйди. У келинининг ҳар бир қадамидан камчилик топар, келиннинг қилаётган ҳар қандай юмуши уни ҳеч ҳам қаноатлантирмасди. Унибуни қўйинг, у ҳаттоки келининнинг киядиган кийимларидан ҳам камчилик ва хатолар топиб, пиш-қиргандан пишқириб борарди. «Ҳой келин, фаросатингиз борми? Шундай қимматбаҳо шиппакни ҳам кийиб бўладими, уни фақат меҳмонлар келганида киясиз», деб бобиллаб берса, иккинчи марта эса келиннинг эгнидаги паралон халатни шартта ечиб, сандиққа солиб, қулфлаб қўйди. Келин бечора ҳаммасига ҳам чидади. У, ҳаётим шунақа бўлиб бориб аста-секин кўникарман, деб ўйлар эди. Аммо қайнонанинг қилдан қийиқ ахтариб, бўлар-бўлмас жанжалларни чиқараверариши авжига минди. У ҳаттоки: «Қаерда ўсгансан, сенга тарбия берган ота-онангга минг лаънат», деб аюханнос сола бошлади. Бундай бедодликка чидай олмаган келин, мулойимлик билан: «Ойижон, ота-онамга тил тегизманг», дейиши билан қайнона «шақиллаб қайнаб кетди»: «Вой, бунинг бетга чопарлигини қаранг, бу тарбиясизга бир нарса деб бўлмайди-я! Гап қайтаришини қаранг, тарбиясиз! Дод, безбет келиннинг дастидан, дод!», деб илон ваққандек чинқирарди.

Кечқурун куёв бола ишдан қайтганидан кейин, ҳақиқий жанг қизигандан қизиди. Ҳатто, она ўғлига: «Ё мени дегин ё хотинингни!», деб туриб ҳам олди. Келин учун қанчалик оғир бўлмасин, у ўз отаонасиникига кетиб қолди. Чунки, шўринг қурғур келиннинг бошқа иложи қолмаганди-да. Мана, азиз оқшомхон, хулоса чиқариш, ҳакамлик қилиш сизларнинг ҳукмингизга ҳавола.

Мусақул УСМОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Шингил лўқмалар

ҚАЙТИМИ ЙЎҚ

— Ҳай дадаси, маош олсангиз болаларга тенга-панга берарди-нгиз, энди бир тийин ҳам бермаяпсиз? — аччиқланди хотин.

— Э онаси, янги кассиримиз танга қайтариш у ёқда турсин, бир тийини кам бир сўмни ҳам қайтармайди! — жавоб қилди эр.

ШЎРВА

— Ўғлим, нега боғчада ҳеч овқат емайсан?

— Дадажон, ҳар куни ойим шўрва пиширсалар сиз ҳам ичмайсиз-ку?

ШАВЛА

— Нега шавлангизнинг таъми ғалатироқ? — деб сўради бош ошпаздан ўқитувчи.

— Нега ғалатироқ бўлар экан?... Кеча роса мақтаб еган шавлангизнинг қолганини ситиб бердим-ку? — жавоб қилди ошпаз.

КУЮНИШ

— Эшитдингизми қўшни, тиш доктори Давлатхўжанинг мисси чиқибди-я?

— Вой, ўлмасам? Менинг ҳам тишларим мис бўлса-я, қўшнижон? — куюниб деди ён қўшни.

ЗАРДА

— Сиз ҳам умрингизда бирон марта гул совға қилармиксиз? — эркаланди хотин.

— Сен ўзинг, тўйимизнинг эртасигаёқ, бугундан гулнинг ўрнига пулни олиб келинг, деган эдинг-ку! — деди зарда билан эр.

Мавлуда ҚОДИРОВА,
ўқитувчи.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

КЎП ТОННАЛИ ШИРИНЛИК

Мичиган штатининг Траверз шаҳрида вазни ўн тўрт тонна келадиган, диаметри қарийб олти метрга тенг торт тайёрланди. Ана шу ширинликни тайёрлаш учун 8575 килограмм гилос, уч тоннадан зиёд шакар, 930 килограмм ун, 35 килограмм туз, 388 килограмм хамиртуруш ва 130 литр сув сарфланибди.

БАЛИҚЧИ ҚУШ ЙИРТҚИЧ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНСИН!

Хорватиянинг Ровинь шаҳри овчилари республика овчилар уюшмаси правлениесига балиқчи қушни йиртқич деб эълон қилишни ва уни овлашга рухсат беришни сўраб мурожаат қилдилар. Гап шундаки, теварак-атрофда балиқ кам бўлганлиги сабабли балиқчи қушлар кўпинча босқинчилик билан шуғулланишар, қуён болаларига ҳужум қилиб, каклик ва қирғовулларнинг тухумларига қирон келтираётган экан.

ОБЪЕКТИВДА — ИНДОНЕЗИЯ

Боробудур ибодатхонаси — Индонезия ўрта аср меъморчилигининг ноёб ёдгорлигидир. Мазкур ибодатхона Ява оролида жойлашган бўлиб, ўн қаватли пирамида шаклида қурилган. Шу ерда Будданинг 504 ҳайкалини ва Будда ҳаётидан олинган мавзулардаги сон-саноқсиз қаварiқ тасвирларни томоша қилиш мумкин.

Боробудур ибодатхонаси индонезияликларнинг миллий фахри ҳисобланади ва Парфенон билан тенг даражада қадрланади.

СУРАТДА: будда динидагиларнинг Боробудур ибодатхонаси. Якшанба кунлари минглаб индонезияликлар ва кўпсонли саёҳатчилар шу ерга томон йўл олишади. Афсоналарга қараганда, тош соябон остидаги Будда ҳайкалига қўли теккан киши бахтли бўлади.

ҲАШАРОТЛАР КОНСТРУКТОРИ

Америкалик мусаввир Кен Жексоннинг қизиқиши бошқа ҳеч кимникига ўхшамайди. Мана 20 йилдирки, у паррандалар ва ҳашаротларнинг учадиган моделини конструкция қилиш билан шуғулланади. Ҳозир унинг тўпламида бамбук, ёғоч, енгил металлар ва симлардан ясалган 128 та модель бор. Жексон моделларининг ҳаммаси митти моторчалар билан таъминланган. Масалан, энг митти қушча моторининг вазни атиги ярим грамм келади, шунга қарамай у ҳавода қарийб йигирма секунд парвоз қила олади.

ТЕЛЕВИЗОР ЎЗИ НИМА!

Ҳиндистонда маҳаллий телевидениенинг кўрсатувлари завқ-шавқ билан томоша қилиниши бу ерда ҳаммага аён. Мамлакатда телетомошабинларнинг ҳақиқий сони қанча? Бу яқинда Уттар-Прадеш, Бихар, Ражастон ва қатор бошқа штатларнинг материаллари асосида ўтказилган тадқиқотлардан кейингина маълум бўлди. Маълум бўлишига қараганда, Ҳиндистон катта ёшдаги аҳолисининг қарийб 57 фоизи — тахминан 400 миллион киши ҳаётида ҳали бирор марта ҳам телевизор кўрмаган экан. Тўғри, давлатманд шаҳарликлар ўртасида телевизор кўрмаганлар атиги 18 фоизни ташкил этади, аксарият ҳиндистонликлар яшайдиган қишлоқ районларида эса бу кўрсаткич 68 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг атиги 22,7 фоизи телевидение программаларини мунтазам — ҳафтада камида тўрт марта кўриши маълум бўлди. Яна бир диққатга сазовор рақам: Ҳиндистон телевидениеси программаларини онда-сонда томоша қиладиганлар ўртасида саводсизлар атиги 9,3 фоизни ташкил этади, телетомошабинларнинг 81,9 фоизи эса олий маълумотлидир.

ОДАТДАН ТАШҚАРИ ВЕЛОСИПЕД

Ушбу одатдан ташқари велосипед нималар билан жиҳозланганлигини санаб чиқишдан кўра, унда нималар йўқлигини санаб чиқиш осонроқ бўлса керак... Шундай бўлса ҳам унинг жиҳозларини санаб ўтайлик: унда қуёш батареяси қуввати билан ишловчи прицеп ва двигателдан ташқари бешта ихчам компьютер, йўлдош орқали алоқа боғлаш прибори, иккита радиоприёмник, телевизор, телефон, микрофон, шунингдек холодильник, кутубхона, хавфсизликни таъминлаш системаси бор.

Эҳтимол кўпчиликка буларнинг ҳаммаси ортиқча ва керексиз юкдек туюлса керак. Аммо ёзувчи Стив Робертс ва унинг йўлдоши Мэгги Виктор (айтмоқчи, Мэггининг ҳам худди шундай шахсий велосипеди бор) бундай деб ҳисоблашмайди. Улар техника билан ўта мукаммал таъминланган ана шу ҳаракат воситасида 10.000 километрдан зиёд йўл босишган.



ТАСС сурати.

РЕМБРАНДНИНГ НОМАЪЛУМ АСАРИ

Нью-Йоркдаги ким ошди савдосида кутилмаганда бундан ўн йил муқаддам Амстердам музейидан ўғирланган Рембраннинг асари юзага чиқиб қолди. У каталогда «XVIII асрда яшаган номаълум рассомнинг асари» деб қайд этилганди, деб хабар беради ЮПИ агентлиги. Экспертларнинг аниқлашига қараганда, расмнинг бир томонида рассомнинг хотини Саскиянинг портрети, иккинчи томонида Рембраннинг ўғли Титус тасвирланган экан. Расм ўғирланган ерига — Амстердамдаги Рембранд уй-музейига қайтариш учун АҚШ божхона органларига топширилди.

«ИБЛИС ҲОВЛИСИ»

«Теуфельхоф» («Иблис ҳовлиси») — яқинда Швейцариянинг Базель шаҳри районларидан бирида очилган янги меҳмонхона ана шундай номланади. Меҳмонхонанинг чиндан ҳам исми жисмига монанд: унинг барча хоналари франциялик, ғарбий германиялик ва швейцариялик рассомлар, дизайнерлар ва турлитуман афсунгарларнинг «ижодий уюшмаси» томонидан безатилган ва жиҳозланган. Меҳмонхона ёдномасида «Асаби бўш ва ирим-чиримларга ишонадиганларга бу ерда тўхташни маслаҳат бермаймиз», деган жумла ҳам бор. Ўзига хос жиҳозлардан ташқари меҳмонларни ҳар қадамда — йўлакда, ваннада, балконда ва каравот остида иблис найрангларини кутади.

СУРАТДА: «Иблис ҳовлиси» меҳмонхонасида.

Кейстон—ТАСС сурати.

ДУРДОНАЛАР ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ

Уйга таклиф қилинган меҳмонларга жаҳонга машҳур мусаввирларнинг асарларидан иборат тўпламни кўз-кўз қилишнинг кўпчиликка хуш ёқадиган томони бор. Уларни сотиб олиш учун пул йўқ дейсизми? Ҳеч ташвишланманг. Миландаги «Лезарте» фирмаси икки юзга яқин асарларни ижарага беради. Ижара ҳақи асарнинг баҳосига ва ижара муддатига боғлиқ. Масалан, 20 миллион лира баҳоланган картина ҳар ойда 565 минг лира (беш юз долларга яқин) тўлаб туришга қодир бўлган кишининг уйини қирқ кун давомида «безаб туриши» мумкин.

* * *

ШВЕЙЦАРИЯ. Мартини шаҳрининг бевосита кўчалари ва боғларида англиялик ҳайкалтарош ва рассом Генри Мур асарларининг кўргазмаси намойиш этиляпти. Швейцарияликлар инглиз мусаввирининг 117 ҳайкали ва 76 картинаси билан танишишлари мумкин.



СУРАТДА: Г. Мурнинг Мартиндаги «Жинадда» боғида намойиш этилаётган сўнггги асарларидан бири.

Кейстон—ТАСС сурати.

ИБРАТЛИ ТАДБИР

⊙ Кадрлар ўчоқларидан бири ҳисобланган 21-ҳунар-техника билим юртининг ўқув моддий базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўқитиш ишлари, практик машғулотлар замонавий ва такомиллашган техника воситалари ёрдамида олиб борилмоқда.

Билим юрти ёшларда компьютер саводхонлигини ошириш борасида ҳам дастлабки бой тажрибаларни қўлга киритди. Мавжуд техникавий комплектлар «Ямаха» типидаги «ақл»ли машиналарни бошқариш программасини такомиллаштириш имконини берди. Шунингдек, бу ерда ўқув-ҳисоблаш техникаси кабинетлари ҳам ишлаб турибди.

Электрон ҳисоблаш машиналари билан «тиллашиш»да «Правец» шахсий компьютерлар, замонавий электрон-техника асбоблари ҳам қўл келмоқда.

Ана шу бой ўқув база туфайли билим юрти кўплаб малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб чиқаришга эришмоқда.

Бу намунали билим даргоҳи яқинда яхши ташаббус билан чиқди. У ўз фаолиятини хўжалик юритишнинг янги кўриниши — ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш усулида иш юритишга ўтишни мақсад қилиб қўйди. Бу ибратли ҳаракат Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги томонидан қизғин маъқулланди.

Янги ўқув йилидан янгича ишлашга ўтиш учун билим юртида яна қатор муҳим амалий тадбирлар кўрилмоқда. Ўқув даргоҳи биринчи сентябрдан ўз фаолиятини хўжалик ҳисобида олиб боришга киришади.

Саодат ОДИЛОВА.

Шанба оқшомида

Ҳикматнома

Яхши феъл, яхши ном

⊙ **Инсон дилини авайланг, ширин сўз бўлинг, нодон ва ахмоқ одамлардан, дилозорлардан йироқ юринг.**

Аҳмоқу нодонлар ичида бўлсанг,
Емон феъли сенга юқади, билсанг.

ШОҲИДИЙ.

Пахтага қойилки, ўтга чанг солмас,
Чунки у ўт ила тенг кела олмас.

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

Хатарли ит тишлаб олса кишини,
Малҳами топилса, ташла қўрқишни.
Одам тили яра қилганда ҳар чоқ,
Мингта малҳаминг ҳам тузатмас бироқ.

Низомий ГАНЖАВИЙ.

⊙ **Кимки бўлса кам озор, озордир ундан безор. Кам озор кам озор кўради.**

Қандай яхши айтмиш бир доно ҳаким,
Тишламасанг сени тишламас ҳеч ким.
Оғритмоқдан бўлгин доимо безор,
Кам озорлар топар доим кам озор.
Кам қилмасанг элни ҳеч кам бўлмайсан,
Ўлдирмасанг агар ўзинг ўлмайсан.

Низомий ГАНЖАВИЙ.

Агар дилни доим тута олсанг шод,
Шодликдан ўзгасин асло қилма ёд.

* * *

Қуч-қувват эгаси дили шод одам,
Баҳорининг гули очилар ҳар дам.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

⊙

⊙ **Хушханда одам ҳаммани ўзига ром қилади. Ғамли одамдан ғам, шод одамдан шодлик юқади. Кулги кишига завқ, енгиллик ва тетиклик нисор қилади.**

Эй, сенга юз хўбу, лаб хўбу, лабингдин кулгу хўб,
Ҳар неким воқеъ бўлур сендин кўзумга асру хўб.

Алишер НАВОИЙ.

Ғамгин киши учун бир кулиб боқмоқ,
Шакар едиргандан кўра афзалроқ.

* * *

Шакардан оғизу, тил ором топар,
Шакарли хандадан дил ором топар.

Жалолиддин РУМИЙ.

Тўрт нарса одамни ғамдан қутқарар,
Яхши феъл, яхши ном, соғ тан, ақл ҳам.
Ҳар кимга бу тўртдан насиба етса,
Ярашар шод яшаб, чекмаса ҳеч ғам.

Абу Абдулло РУДАКИЙ.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Маҳмуд ҲАСАНОВ тайёрлаган.

Пойтахтнинг Пушкин кўчасидаги республика Архитекторлар уюшмасининг биноси да «Гўзаллар суратн—89» Бутуниттифоқ кўргазмаси очилди. Конкурснинг 1-турига 40 шаҳардан 100 минг сурат тақдим этилган эди. Шундан 30 сурат устаснинг 124 та модели ажратиб олинди. 2-турда эса 500 суратдан 30 таси энг яхши деб топилади. 3-тур сентябрь ойида якунланиб, ғолибга «Самара» автомобили тақдим этилади.

Ҳозир кўргазмага келаётганлар гўзаллик тимсоли бўлган аёлларимизнинг турли кўринишдаги суратларини томоша қилишаяпти. «Фоторекламцентр» реклама агентлиги, ТАСС фотохроникаси, «Московская правда», «Вечерняя Москва» газеталари ва бошқа қатор ташкилотлар томонидан ташкил этилган бу кўргазмада шунингдек ёдгорликлар савдоси уюштирилиб, видеолавҳалар кўрсатилмоқда.

Кўргазма 20 кун давом этади. Унга ҳар куни ўртача 1000 нафардан ортиқ шаҳарликлар ташриф буюришаяпти.

СУРАТЛАРДА: кўргазма залларида.

А. Илёсов суратлари.

Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади!

Юсуфжонқизиқ ШАКАРЖОНОВ.

Умм Гулсум ҳазил-мутойибалари

УММ ГУЛСУМ дипломатия ходимлари томонидан ташкил қилинган кечага таклиф этилди. Шу вақт унинг нигоҳи сиёсий арбобларга хос либос кийган ва бир ёнига узун қилич осиб олган пакана бўйли бир кишига тушди. У ёнида ўтирганнинг қулоғига шивирлаб, сўради:

— Кечирасиз, билмайсизми, анави кишини қайси гуноҳлари учун қиличга осиб қўйишибди?

* * *

Кунларнинг бирида Умм Гулсум адлия ходимлари учун концерт кечаси уюштирди. Рақс наволари янграй бошлаганида, ёнида ўтирган қозилардан бири бошини у томон сал эгиб сўради:

— Хоним, камина билан рақсга тушмайдиларми?

